



МАДАНИЯТ

№6 (141) 11.02.2021 йил

Улуғ аждодларимизга таъзим



Муносабат

Шоҳ ва шоир, буюк санъаткор

Бизнинг бошқа кўпгина халқларга насиб этмаган бахтимиз – тарихнинг олтин саҳифаларини безаб турган даҳоларимиз, улуғларимиз кўп. Кечагина миллатимиз, маънавиятимиз қуёши Мир Алишер Навоийнинг 580 йиллигини кенг нишонладик. Бу улуғ сиймонинг таваллуд куни нафақат Ўзбекистонда, балки мағрибдан машриққача бўлган давлатларда нишонланди. Дунёда Ўзбек деган ном яна бир бор мағрур жаранглади...

14 февраль куни эса номи дунёга машҳур яна бир аждодимиз, тарихда шоҳ ва шоир, буюк саркарда дея улуғланадиган бетақрор қисмат, улкан салоҳият, юксак маданият эгаси Заҳириддин Муҳаммад Бобур бобомизнинг таваллуд кунлари, 538 йиллиги кенг нишонланади.

Бобур Мирзо ҳақида жуда кўп ва хўп ёзилган. Улуғ шоиримизга берилган таърифларнинг ҳаққонийлигини эса ҳолис кишилар фикридан ҳам билиш мумкин. Биргина хинд халқининг атоқли адиби, сиёсатшунос олими Жавоҳарлал Нерунинг Бобур ҳақида айтганлари қалбимизни улуғ меҳр-муҳаббат ва ғурур-ифтихорга тўлдиради: “Бобур дилбар шахс эди. Уйғониш даврининг ажойиб султони, кучли тadbиркор киши бўлиб, санъатни, адабиётни, гўзалликни севарди...” Бу таърифларга қўшимча қилиб у “энг фасоҳатли, энг ориф кишилар сирасига мансуб” дея улуғлайди.

Давоми 2-саҳифада

Ушбу сонда

Болалардек кўринг дунёни

4-саҳифада

Самарқандда замонавий лаборатория очилди

4-саҳифада



Темирни қизиғида босган темирчи

6-саҳифада



Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари

Муסיқа инсонларнинг диққат-эътиборидаги санъат бўлгани учун унинг ўзига хос пинҳона сирлари ҳам бор. Яратган биз – инсонларга кўриш, ҳид, таъм билиш, сезиш каби хислатлар билан бирга эшитиш, тинглаш неъматини ҳам ато этган. Оғзаки нутқ орқали баён қилинган фикрларни эшитиб, идрок қиламиз. Лекин муסיқа таърифига баъзан тил ҳам ожиз бўлган тўйгуларни инсонлар қалбига осонгина еткази олади.

Муסיқалар турлича бўлиб, одамзодни руҳлантириш, қалбини юмшатишга қодир. Яна эзгу хис-туйғуларни-да уйғотади. Бироқ айримларнинг асабига тегиб, онгида парокандаликни кўзғатади. Замона зайли билан ҳозирги даврда “роқ-поп”, “роқен-ролл” ва шунга ўхшаш бир қатор муסיқий йўналишлар борки, уларнинг ижобийдан ташқари инсон онгига салбий таъсирлари ҳам мавжуд.

Бинобарин қотиллика ундовчи матнга эга қўшиқлар, шахвоний эркиндликни, таркидунёликни тарғиб қилувчи муסיқий гуруҳлар борлиги-да ҳеч кимга сир эмас.

Бундай муסיқий альбомлар ва клиплар турли ноқонуний йўللار билан бутун дунёга тарқалмоқда.

Ҳар қандай йўллар билан кириб келган ушбу иллатлар, афсуски, бизнинг юртимизда ҳам учраб турибди. Шунга ўхшаш салбий оҳанглар, қўшиқлар ёшларимиз онгини бузишдан, ёт ғоялар кириб келишидан сақланишимиз зарур.

Бу каби иллатлар бизнинг менталитетимизга, миллий қадриятларимизга ёд ҳиссиётлардир.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 19 январда маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисидаги видеоселектор йиғилишида долзарб мавзуларга тўхтадилар. Жумладан, ёшларимиз тарбиясида боғча, мактаб, институтлар эмас, болалар ва ёшларнинг қўлидаги телефон катта роль ўйнаётгани ҳақида куюниб гапирдилар. Айниқса, мафқуравий ёт ғоялар чегарасиз, сўроқсиз кириб келаётгани, бу ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши, маънавиятимизга путур етказиши, шу боис хушёрликни икки қаррага ошириш зарурлиги тўғрисидаги фикрлари мени жуда таъсирлантирди. Чунки миллий ғоя – бу аждодларимиз мероси, миллий қадриятларимиз – маънавиятимиз асоси эканини ёдимиздан чиқармаслигимиз керак.

Барча соҳалардаги ислохотлар каби маданият ва санъатимиз тараққиётига оид бир қатор қонуний ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, юртбошимизнинг миллий муסיқий меросимиз – мақом ижрочилик санъатини ривожлантириш тўғрисидаги қарори ҳам айна муддао бўлди.

Кимки ўз миллатини, ўзига хос урф-одатларини, мумтоз муסיқасини, қадриятларини чин маънода севмас экан,

у шу ватаннинг ҳақиқий фарзанди бўла олмайд.

Қадимдан Шарқда Хуросон ва Мовароуннаҳр адабиёт ва муסיқаси ажралмас санъат турлари ҳисобланган.

Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”сида шоир Биноий ҳақида: “Бурунлар муסיқийдин беҳабар экандур, бу жиҳатдан Алишербек таън қилур экандур” дегани фикримиз исботидир. Давлатимиз раҳбарининг “Мақом тарбиясини боғчалардан бошлаймиз”, деган фикрлари барчамиз учун дастуриламал бўлиб масъулият ва хушёрликни икки қарра оширади.

Азизлар, аждодларимиз орзу қилган шундай бахтга сазовор эканмиз, миллий-маънавий қадриятларимиз гултожи ҳисобланмиш мумтоз адабиётимиз ва муסיқа санъатимизни ёшларимизга тушунтирайлик, уларнинг дунёвий ва тарихий тушунчаларини бойитишда маданий меросларимиздан дастуриламал сифатида фойдаланайлик.

Рустамжон ОТАБОВЕВ,
Фарғона вилояти маданият бошқармаси Тошлоқ тумани 22-ВМСМ директори



Донолар сузлайди...



Панду насиҳатдан ким ўғирди юз, Заҳмати минг бўлур, пушаймони – юз.

Ўзининг айбини билганда одам, Бошқалар айбини сузламасди ҳам.

Кимки тиг кўтарар биров жонига, Замон ташна бўлур унинг қонига. Фирдавсий

Халқаро форум

Навоий таваллу-дининг 580 йиллигига

Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги элчихонаси ҳамда Маданият вазирлиги томонидан буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига бағишланган онлайн-форум ўтказилди.

Тадбир Маданият вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси кузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси, Британия-Ўзбекистон дўстлик жамияти, "BBC Ўзбек хизмати", "Conservative Friends of Eurasia" ташкилоти, "Maximum Exposure" ва "Thoburns Belgrave" компаниялари билан ҳамкорликда таш-


кил этилди.

Онлайн-форумда икки мамлакат парламентлари аъзолари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг кўмита раиси Б.Сайфуллаев, Маданият вазирининг ўринбосари К.Оқилова, Лордлар палатаси аъзоси, лорд Питер Дилли, вазирлик ва идоралар, Британиянинг нуфузли университетлари вакиллари, навоийшунос олимлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Унда "BBC Ўзбек хизмати" томонидан тайёрланган Навоий ижоди ҳақидаги ҳужжатли фильм ҳамда

шоир ғазалларининг инглиз тилида Британия сёсатчилари томонидан ўқилган видеоролиги намойиш этилди.

Бундан ташқари, онлайн-форум доирасида Британиялик шоир Эндрю Станлиенд қаламига мансуб "New Divan. Hazrat Alisher Navoi" ("Янги Девон. Ҳазрат Алишер Навоий") шеърини тўплами ва шоир Аъзам Обид томонидан инглиз тилига таржима қилинган "Without You" ("Сенсиз") номли Навоий ғазаллари тўпламининг тақдими ўтказилди.



Семинар



Мурожаатнома ёшлар наздида

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиалида Президентимизнинг 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасини талаба ёшлар орасида тарғибот ва ташвиқот қилиш мақсадида семинар ташкил этилди.

Тадбирда Санъатшунослик факультети декани, доцент Г.Ходжаметова, таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи Қ.Қалекеев, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси катта ўқитувчиси А.Утепбергенова ҳамда талаба-ёшлар иштирок этишди. Семинарда Президентимиз томонидан халқимизга йўлланган мурожаатнома ўз амалий натижалари билан ҳар биримизнинг ҳар биримизни янада ғайрат билан ишлашга ундаши таъкидланди. Айниқса, Орол денгизи ҳалокати оқибатида юзага келган экологик фожиалар таъсирини юмшатиш, денгизнинг қуриган тубида юз минглаб тектар ўрмон ва кўкдамзорлаштириш ишларининг тизимли олиб борилаётгани алоҳида таҳсинга сазовор деб топилди. Шунингдек, тадбир давомида сўзга чиққанларнинг ҳар бири мурожаатнома бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида гапиришди.

«Бу йил олий таълимга қабул параметрлари 2016 йилга нисбатан 2,5 баробарга ўсди. Ёшларимизни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 9 фоиздан 25 фоизга етди,

деган эди Президентимиз. Шу билан бирга 2020 йил 25 декабрь куни ўтказилган Ёшлар Форумида берилган топшириқлардан келиб чиқиб, ҳар бир туман ва шаҳарлардан 5 нафаргача ёшларнинг маданият ва санъат олий таълим муассасаларида маҳаллий бюджет ҳисобидан ўқитилиши олий таълим тизимида янги ёндашув бўлди» - дея таъкидлади Г.Ходжаметова.

Бугунги кунда таълим ва тарбияни ривожлантириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш янги Ўзбекистоннинг асосий устувлари бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Мурожаатнома – ёшларнинг янги мақсад ва марраларга эришишида имкониятлар яратиб берадиган халқимизга ҳар томонлама йўл чироғи десак, муболага қилмаймиз. Семинарнинг ташкил этишининг асосий мақсади ёшларимизга ислохотлар моҳияти ва натижаларини етказиб бериш, уларни креатив фикрлашга ва ташаббускор бўлишга даъват этишдан иборат.

Тадбир сўнггида ёшларнинг мурожаатнома бўйича фикр-мулоҳазалари тингланди ва қизиқтирган саволларига профессор-ўқитувчилар томонидан жавоблар берилди. Мурожаатнома бўйича чет эл арбоблари ва жамоат вакиллари билан видео орқали билдирилган фикрлари кўйиб эшиттирилди.

Асилбек ҚОЛҚАНАТОВ,
ЎЗДСМИ Нукус филиали талабаси

Давоми. Боши 1-саҳифада

Шоҳ ва шоир, буюк санъаткор

Шу ўринда машҳур муаррих Мирзо Ҳайдарнинг ҳам таъбирини келтириш жоиз: "Туркий шеърни Амир Алишердан кейин ҳеч ким Бобур ёзган даражада ёзган эмас". Ҳақиқатан, у 18-19 ёшдан бошлаб ёзган ғазал ва рубойлари, илмий-бадий асарлари ва, айниқса, 35 ёшида тугатган бебаҳо "Бобурнома"си билан дунё адабиёти оламига забт этди. Бу каби нодир асарлари қаторида бизгача етиб келмаган мусиқа санъати ва ҳарб ишларига доир рисоалари ҳам бўлган. Улар ҳақида машҳур инглиз олим, адабиётшунос, муаррих Уильям Эрскин шундай ёзади: "У яратган куй ва кўшиқлар жуда ёқимли оҳангда бўлиб, вафотидан кейин ҳам халқ оғзидан тушмади".

Дарҳақиқат, шундай. Аслида улуг шоири-


мининг ғазаллари, ҳар бир сатрдан ажиб бир оҳанг таралиб тургандек, умри адоқсиз Ватан соғинчи, дардию алами билан ўтган озорда жоннинг нидолари янграб тургандек бўлаверади:

*"Хатинг аро узоринг сабза ичинда лола,
Ул чаши пурхуморинг лоладаги ғазола.
Барча парилар, эй жон, зирдинда зору ҳайрон,
Гўё эрур намоеъ ой теграида ҳола..."*

Биз шундай ҳар томонлама мукамал сифатларга эга, ўзи Андижонда туғилиб, Ҳиндистонда яшашга мажбур бўлган, лекин улуг инсоний фазилатлари билан Ҳиндистонликларнинг меҳри-ишончига сазовор бўлган, деярли уч ярим аср давом этган Бобурийлар давлатчилигига асос солган аждодимиз Мирзо Бобур билан ҳақли равишда фахрланамиз. Унинг қатъияти, жасорати, матонати, ғайрат-шижоати, айна пайтда бекиёс илмий салоҳияти, чуқур тафаккури, юксак маънавият, маданияти билан бизга ҳамisha ибрат бўлиши керак. Самимий туйгулар куйчиси, Ватан соғинчининг дардли аламлирини бетакрор сатрларга жавоҳирлардек жойлаган буюк қалб эгаси халқимизнинг фахри, гурури бўлиб қолаверади.

Барчамизга Ўн бешинчи асрдати Уйғониш давридан Янгилаётган Ўзбекистонимиздаги Учинчи Уйғониш даври яратувчиларига салом йўллаб, дуолар қилиб турган буюк аждодимизнинг таваллуд куни муборак бўлсин!

Озодбек НАЗАРБЕКОВ,
Маданият вазири



Ижод йўлларида

Театр – менинг ҳаётим

Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театрида Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими И.Айбатов хотирасига бағишланган "Театр – менинг ҳаётим" мавзусида маданий-маърифий кеча ташкил этилди. Унда иштирок этганлар устознинг Қорақалпоқ театр санъати ва маданиятига қўшган ҳиссаси, сермаҳсул ижод йўли ҳамда инсонийлик фазилатлари ҳақида гапиришди...

1982 йилда Тошкент давлат театр ва расмочилик санъати институтига тугатиб, Нукусдаги ёш томошабинлар театрида иш бошлаган Ирзамурат серкирра ижодкор эди. У театрда саҳналаштирилган турли жанр ва мавзулардаги спектаклларда 100 дан ортиқ образлар яратган.

Бугунги кунда республикамизда бошқа соҳалар қатори театр санъатида ҳам катта ўзгаришлар ва янгилашни жараёни бошланган.

Жумладан, Қорақалпоқ ёш томошабинлар театрида ҳам... Асосий вазифаси миллий ва жаҳон театр санъатининг бой анъаналарини ривожлантириш, бойитиш, асраб-авайлаш, замон талаблари даражасидаги асарларни саҳналаштириш, уларда миллий анъаналаримизни улуғлаш орқали умуминсоний қадриятларни шакллантириш, халқимиз, айниқса, ёш авлод оғинида миллий ва жаҳон маданияти, қадриятларига нисбатан ҳурмат туйғусини ошириш, шу-

нингдек, жаҳон театр ва томоша санъати соҳасида қўлга киритилган ютуқлардан унумли фойдаланишдан иборат.

Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театри 1978 йили 10 ноябрь куни драматург К.Раҳмоновнинг «Кечиккан баҳор» спектакли билан ўз фаолиятини бошлаган.

Қирқ йилдан кўпроқ тарихга эга Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театрининг репертуари йиллар



давонида тубдан ўзгарди. Жаҳон классик асарларидан тортиб, драматургларимизнинг энг сара ижодлари саҳналаштирилди. Шунингдек, замон қаҳрамонлари образи ва уларнинг Ватан равнақи йўлидаги меҳнатлари акс этган янги спектакллар яратилди. Бунда ҳаётини ушбу театрда бахш этган Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Ирзамурат Айбатовнинг салмоқли ҳиссаси бор. Узоқ йиллар давонида театрга бош режиссерлик қилган санъаткор ҳаёт бўлганида бу йил қутлуг 60 ёшини қаршилар эди.

Устоз 2005 йил театрга бош режиссер этиб тайинланган. Шу йилларда у С.Салоҳиддиновнинг "Ҳаёт эшик ортида", Х.Муҳаммад ва А.Азизхўжаевларнинг "Кўёвлар беллашуви", К.Раҳмоновнинг "Тоғиз тонқилдақ бир шинқилдек", Р.Ериевнинг "Фермер Нурум бобо", Ж.Маҳмудовнинг "Содиқ дўстлар", П.Айтмуратовнинг "Орузлар қанотида", "Овулга қайтиш"

сингари турли жанрлардаги 40 дан зиёд спектакллари саҳналаштирган.

"Овулга қайтиш" спектакли Ирзамурат оғанинг энг сўнги саҳналаштирган асари бўлди. Мен бу спектаклда бош ролни – Утебай образини яратдим, – дея хотирлайди театрнинг ёш, истеъдодли актриси Исрол Бежжанов. – У тажрибали режиссер сифатида ўз йўли ва йўналишига эга эди. Саҳналаштириш жараёнида актрисалар билан ишлаш маҳорати, камтарлиги, самимийлиги, ҳаммага бирдек муносабатда бўлиши туфайли жамоамиз билан ҳаммаимиз бир оиладек ҳажжасида ишлардик.

Хотира кечасида иштирок этган Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазири ўринбосари Ж.Абдижамилов Ирзамурат Айбатовнинг нафақат театр санъатига қўшган ҳиссаси, балки қорақалпоқ кино санъатидаги, бадий ва ҳужжатли фильмлардаги бир-биридан ажойиб роллари, давлат миқёсидаги турли муҳим саналарга бағишланган бай-

рам томошалари-ю, концерт дастурларини ташкиллаштиришдаги фидойийлиги, меҳнатсеварлиги ҳақида гапириб ўтди. Тадбирда Қорақалпоқ санъати ва маданияти жонкуярлари, фахрийлар, ёзуви ва шоирлар, театршунос драматурглар, Ирзамурат Айбатовнинг онаси, оиласи, фарзандлари, яқинлари, дўстлари ва шоғирдлари иштирок этди.

Жамоа томонидан тайёрланган театрлаштирилган композицияда у ижро этган роллар ва саҳналаштирган спектакллардан парчалар ўрин олган.

– Мен бузғун хотира кечасида иштирок этар эканман, дадамнинг ишини давом эттираётган дўстлари, шоғирдлари ва мухлислари ёнида падаримнинг мангу яшашига яна бир бора шон-ҳисол қилдим, – дейди тадбир сўнггида И.Айбатовнинг қизи С.Маткеримова.

Адилбек СЕИТОВ,
Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театри директори ўринбосари



Илмий-амалий семинар

Долзарб муаммолар ва ечимлар

3 февраль куни Маданий мерос департаменти ташаббуси ҳамда Бухоро вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида Бухоро давлат университетида "Бухоро маданий мерос объектларини таъмирлаш ва сақлашнинг долзарб муаммолари" мавзусидаги илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Маданий меросимизни асраб-авайлаш, таъмирлаш-тиклаш, уни келажак авлод учун сақлашга оид ишларни

юқори даражада ташкиллаштиришда бу каби илмий-амалий тадбирларнинг роли жуда катта. Унда Маданият вазири ўринбосари, Маданий мерос департаменти бошлиги Камола Оқилова, Департамент илмий-эксперт кенгашининг тажрибали экспертлари, вилоятдаги мохир реставратор-усталар, хунармандлар, маданий мерос объектлари бўйича малакали архитекторлар, тарихчилар долзарб мавзуларда мат-

рузалар килдилар.

Семинарда Зоом платформаси орқали бутун республика бўйлаб соҳага қизиққан мутахассислар он-лайн тарзда иштирок этишди.

Тадбир якунида бундай семинарларни бошқа вилоятларда ҳам тизимли равишда ўтказишга келишиб олинди.

Бухоро вилояти маданий мерос бошқармаси матбуот хизмати



Тўғри танлов

Тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалувчи санъат турларидан бири кўғирчоқбозлик ҳисобланади. Ота-боболаримиз бу санъатни - кўғирчоқбозлик, унинг томошаларини, баъзан "Чодир хаёл", у билан шугулланувчи кишини эса "кўғирчоқбоз" деб аташган.



Миллий кўғирчоқлар – ёшлар тарбиячиси

Бошқа халқларда бўлгани каби Туркистон ўлкасида вужудга келган кўғирчоқбозлик санъати ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бошқа мамлакатларда томошалар махсус қурилган сахналарда бир неча киши бошқарган кўғирчоқлар иштирокида ўтса, Туркистонда ўзгача бўлган. "Кўғирчоқбоз" деб ном олган санъаткорлар томоша билан боғлиқ ишларни яққа ўзлари бажаришган. Жумладан, зарур кўғирчоқларни, сахна вазифини ўтовчи чодирни тайёрлаб, намойиш этилажак сахна асарини ҳам ўзи яратган. Томоша пайтида чодирсимон сахнани боши орқали кийиб, белигача тушурган ва боғлаб олган. Белдан юқори қисми томошабинга кўринмайди. "Кўғирчоқбоз" деб ном олган санъаткорлар томоша билан боғлиқ ишларни яққа ўзлари бажаришган. Жумладан, зарур кўғирчоқларни, сахна вазифини ўтовчи чодирни тайёрлаб, намойиш этилажак сахна асарини ҳам ўзи яратган. Томоша пайтида чодирсимон сахнани боши орқали кийиб, белигача тушурган ва боғлаб олган. Белдан юқори қисми томошабинга кўринмайди. Иштирок этувчи кўғирчоқларни бармоқларига кийиб, томшани бошлашган. Бармоқларига кийилган кўғирчоқларни керакли йўсинда ўйнатиб, кўғирчоқлар нечта бўлишидан қатъи назар уларнинг ҳаммасига тил тагига қўйиладиган мослама воситасида ўзи овоз берган. Томошанинг бутун кўрку таровати, мақсадини томошабин онгига етказган олган. Бир вақтнинг ўзида бир ёки иккита қўл билан бир нечта кўғирчоқларни турли кўринишда ҳаракатлантириш, овозни 4-5 хил ўзгартири олиш ва буларни уйғунлаштириш қанчалик катта маҳорат талаб этишини тасаввур қилиш қийин.

Кўғирчоқлар одатда новда, ёғоч, латта-путтадан ясалган ва кийинтирилган. Чодир сахна эса чизикли ипак матолардан тикилган бўлиб, сахнага жуда ҳам ўхшаб кетади.



Кейинчалик бу ажойиб ва сеvimли санъатимиз унутилиб кетган. Яқин ўттиз йилдири, тўй-томошаларда, байрам ва сайлларда кўғирчоқбозлар кўринмапти. Катта ёшдагилар бироз эслашди, лекин ёш авлод, ўғил-қизларимиз "Ўтган кунлар" кинофильмида кўришмаган бўлса, деярли бу қадриятимиздан бебаҳра қолмоқда.

Тасаввур қилайлик, хонадонда фарзанд туғилди. Уни бешикка белашади, вақти соати келиб тўй-томоша қилишади. Катта ёшдагилар бироз эслашди, лекин ёш авлод, ўғил-қизларимиз "Ўтган кунлар" кинофильмида кўришмаган бўлса, деярли бу қадриятимиздан бебаҳра қолмоқда.

Бутунги кунда шахримиздаги болалар кўғирчоқ театрлари томошаларида ҳам мана шундай кўғирчоқлардан (матодан тайёрланган) фойдаланиб келинмоқда. Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир ота-она фарзандининг жисмонан соғлом, дунёқароши кенг, юксак маънавий фазилатлар эгаси бўлиб улғайишини истайди. Бунда ўйинчоқларнинг аҳамияти катта.

Мутахассислар фикрича, ўйинчоқ нафақат болани овутишга, балки жисмоний ва маънавий камолотига, асаб фаолияти, тафаккурининг шаклланишига ҳам хизмат қилади. Шу боис ўйинчоқларнинг нафислиги, тоза маҳсулотдан тайёрланганлиги, маънавий таъсирга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Уларни боланинг ёшига мослаб танлаш ҳам муҳимдир. Ҳар бир ота-она фарзандига ўйинчоқ танлаётганида унинг сифатига, қандай материалдан тайёрланганига, ёшига мос келишига алоҳида эътибор қаратиши зарур. Чунки кўпларининг таркибида соғлиқ учун зарарли элементлар мавжуд. Шундан хулоса қилишимиз жоизки, ўзимизнинг миллий кўғирчоқларимиз болалар учун ҳар томонлама фойдали ва зарарсиз.

У.АХМЕДОВА,
Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи сектор мудир

Ҳаётсевар шох

Яхши киши кўрмагай ёмонлик ҳаргиз...

Захириддин Мухаммад Бобур ҳаётининг ҳар томонлама мураккаб, турли курашларга бой ва сермазмун ижодий фаолият йўлини босиб ўтди. У инқирозга юз тутган Темурийлар давлатини сақлаб қолиш ва мустақамлаш, Ўрта Осиёда марказлашган йирик давлат вужудга келтириш учун узоқ ҳамда захматли кураш олиб борди. Бироқ тарихий шароит бунга имкон бермади. Натижада у Афғонистон сари йўлга чиқиб, аввал шу давлатни, кейинчалик эса Ҳиндистонни эгаллади ва катта империяга асос солди.

Бобур йирик маданият арбобидир. У мамлакатдаги ўзаро феодал курашлар ва ўзи кўп урушларда бўлганига қарамай, болалигиданоқ форс ва араб тилларини мукамал ўрганди, адабиёт, тарих, тилшунослик, адабиётшунослик, мусиқа каби соҳалар билан шугулланди. Ҳар томонлама кенг ва чуқур билимга эга маданиятли ва маърифатпарвар киши бўлиб етишди.

Захириддин адабиёт, санъат, тарих, ва илм-фаннинг турли соҳаларида жуда қимматли асарлар яратди. Лирик девонлари, "Бобурнома"си, "Муфассал", "Хатти Бобурий", "Ҳарб иши", "Мусиқа илми" ва бошқа асарлари шулар жумласидандир. Бу асарлар ўзбек адабий тили, адабиёти ва илм-фанининг равақ топишига бебаҳо ҳисса қўшди.

Бобур 1483 йилнинг 14 февралда Андижонда туғилди. Ўшанда отаси Умаршайх Мирзо Фарғона вилоятида ҳокимлик қилар эди.

Ёш шоир юқори савияли муаллим ва мураббий томонидан тарбияланди. У тез орада хат-саводини чиқариб, илм-фан, адабиёт ва тарих билан шугуллана бошлади. Шунингдек, кўп вақт ҳарбий машқ ва ов билан ҳам машғул бўлади. Ўз қобилияти билан катталарни хайратда қолдиради.

Юқорида таъкидлаганимиздек, кейинчалик Бобур томонидан асос солинган давлат Ҳиндистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳамда маданий тараққиётига катта рол ўйнади. Ҳатто марказлашган давлатнинг вужудга келиши Ҳиндистон тараққиёти учун кенг имкониятлар яратди.



Захириддин Мухаммад Бобур нафақат йирик давлат арбоби ва мохир лашкарбози, балки буюк шоир, адиб, тарихчи ва олим ҳамдир. "Бобурнома"ни инглиз тилига таржима қилган Жон Эриксон уни шундай таърифлаган: "Саховатлиги, мардлиги, талантлиги, фанга, санъатга муҳаббати ва улар билан муваффақиятли шугулланиши жиҳатидан олиб қараганда, Осиёдаги подшоҳар ичида Бобурга тенг келадиган биронта ҳам подшоҳ топилмайдир".

Бобур лирикаси тили ва услуби жиҳатидан ниҳоятда содда ва равондир. У жўшқин ва мусиқий мисраларида ҳаётӣ, оригинал образлар яратди, халқ тили ва унинг оғзаки ижоди бойликларидан унумли ҳамда ўринли фойдаланиб, шеърларининг тилини бой ва ранг-баранг қилишга эришди. Шоир Лутфий ва Навоий, Ҳайём ва Ҳофиз каби устоз санъаткорларнинг бир қатор анъаналарини давом эттирди ва ривожлантирди, назиралар ва мухаммаслар яратди.

Иқтидорли шох ҳаёт, севги ва шодлик куйчиси дара-



жасига етди. Реал ҳаётни эътироф этган шоир ҳаётининг ғам-алам ва қайғу-ҳасрат билан эмас, бахт-саодат, шодлик ва қувончга тўла ўтишини истади. У севгига ҳаётининг табиий бир ҳоссаси деб қарайди, хижрондан изтироб чекади, ёр висолига ошмади.

Ошиқ шоир ёрни бутун қалби билан севади, унга самимий эҳтиром кўрсатади ва камтарлик билан ўзини севги ботида забун ва машуқа олдида ожиз деб билади:

*Сен гул сену мен ҳақир бўлбўлурмен,
Сен шувласен, ул шувлаға мен қулбўрмен.
Нисбат йўқдур, деб ижтиноб айламаким,
Шоҳмен элга, вале сенга қулдурмен.*

Шоҳ Бобур ҳаётни, севги ва шодликни қуйлаб, кўпгина ҳайемота ва жўшқин шеърлар битди. Ҳаёт-севарлик, инсонпарварлик ғояларини тараннум этди.

Шунингдек, у халқимизнинг "қилмиш-қидирмиш" деган гапига амал қилиб, яхши киши яхшилик, ёмон киши ёмонлик кўриши мазмунидаги ибратли мисраларни битди:

*Ҳар кимки вафо қилса вафо топқусидур,
Ҳар кимки жафо қилса жафо топқусидур.
Яхши киши кўрмагай ёмонлик ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса жаза топқусидур.*

Шоир шу тариха яхшиликни улуглайди, ёмонликни кишининг ўзгаларга келтирувчи қулфат эканлигидан огоҳлантиради. Бу дунёда яхши ном қозониб, ўтмишини улуглашни эзгу фазилат деб билади.

Бобурнинг кўпгина шеърлари бевосита кураш ва сиёсат, ғалаба ва мағлубиятнинг ёрқин ифодасидир. Лирикасидаги ватан иштиғеки, гарбиликнинг ҳасрат ва надомат мотивлари ҳам бевосита шоирнинг мураккаб ҳаёти ва кураш йўли, шодийена ва аламли саргузаштлари билан боғлиқдир.

У Шайбонихонга қарши курашда ғалаба қозонишга ожизлик қилди, халокат ёқасига яқинлашиб қолган темурийлар салтанатини қутқара олмади. Сўнг ноҳор Мовароуннаҳрдан воз кечишга мажбур бўлди. Афғонистон ва Ҳиндистонни эгаллаб, катта империя қурди. Бироқ умрининг охирига қадар туғилиб-ўстган юртидан кўнгил ўзолмади.

Шу боис Бобур ўз лирикасини ёр ва диёр меҳри соғинчи каби инсоний фазилатларини қуйлади. Инсон умрининг моҳиятини инсонпарварлик, ватанпарварлик, яхшилик қилишда деб билди.

Дилбар ТУРСУНОВА,
Сурхондарё вилояти Фериз тумани
22-мактаб кўчигувчиси

Маънавий-маърифий тадбир

Хореография академияси бир ёшда



Ўзбекистон давлат хореография академиясида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 февралдаги “Ўзбекистонда рақс санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида ташкил этилган таълим муассасасининг бир йиллиги муносабати билан маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Байрам кечасига Маданият вазирлиги тизимидаги таълим муассасалари вакиллари,

профессор-ўқитувчилар, бир қатор давлат ансамбллари раҳбарлари, фахрий устозлар ҳамда ўқувчи-талабалар ташриф буюришди.

Тадбирда академиянинг бир йиллик фаолияти давомида эришган ютуқлари, қисқа мuddатда, пандемия шароитига қарамай бажарилган вазифалар самарадорлиги қайд этиб ўтилди.

Шунингдек, энг фидокор ва фаол профессор-ўқитувчилар ҳамда иқтидорли талабаларга академия томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Консервация ва реставрация



Самарқандда замонавий лаборатория очилди

9 февраль куни Самарқанд шаҳридаги Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейида замонавий консервация ва реставрация лабораториясининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Унда Корея Республикасининг Ўзбекистондаги факултодда ва мухтор элчиси Кан Чжэ Квон, мазкур лойиҳа бўйича вакил Жисео Ким ҳамда Маданият вазири ўринбосари Камола Оқилова иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ҳамда Жанубий Корея Республикалари ўртасида азалдан маданий, иқтисодий ва ижтимоий алоқалар ўрнатилган ва узоқ даврлар давомида ривожланиб борган.

Ушбу кўп асрлик дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш мақсадида 2019 йилда Жанубий Корея Республикасининг маданий мерос департамент фонди билан Маданият вазирлиги, Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси ва Фанлар Академияси ўртасида “Ипак йўли маданий меросини тадқиқ этиш ва сақлаш”га доир меморандум имзоланган.

Лойиҳа, энг аввало, Ипак йўли маданий меросининг сақланиши ва тадқиқ этилиши бўйича маълумот ҳамда кўника алмашинувдан иборатдир. Шу билан бирга археологик тадқиқотлар орқали туризмни ри-

вожлантириш, Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи фондида сақланаётган этнографик ва археологик топилмаларни ҳамда Афросиёб музейи деворий суратларини реставрация ва консервация ишларини амалга ошириш учун янги замонавий лаборатория ускуналари ва кимёвий материаллар билан таъминлашга йўналтирилган.

Мазкур лойиҳа муносабати Жанубий Корея Республикасининг маданий мерос департаменти томонидан Самарқанд музей-қўриқхонаси таркибидagi Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейида замонавий таъмирлаш лабораториясини янгидан жиҳозлаш ва такомиллаштириш ҳамда уни замонавий асбоб-ускуналар ва кимёвий материаллар билан таъминлаш учун маблағ ажратилди.

2019-2021 йиллар давомида Жанубий Корея Республикасидан замонавий асбоб ускуналар ва кимёвий материаллар олиб келиниб, таъмирлаш лабораториясига ўрнатилди.

Бу нафақат Ўзбекистон илмий салоҳиятини кучайтиришга, балки тадқиқот инфратузилмасини яратиш ва Ўзбекистоннинг Осиё минтақаси, хусусан, Жанубий Корея Республикаси билан маданий алоқаларни ва ҳамкорликни тиклашга ҳамда давом эттиришга йўл очади.

Фооллар тақдирланди

Навоийхонлик кечаси



7 февраль куни Камолиддин Бехзод номидаги Шарқ миниатюра санъати музейида Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги муносабати билан Навоийхонлик кечаси бўлиб ўтди.

Унда Навоий ижодидан парчалар тингланди. Тадбирда Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий музыка санъати институтининг талабалари фаол иштирок этганликлари учун Ташаккурнома билан тақдирланишди.

Премьера

“Она” сиймосини кўриб...

“Бердак” номидаги Қорақалпоқ давлат академик музыкали театрида чех драматурги Карел Чапек қаламига мансуб “Она” драмасынинг премьераси бўлиб ўтди.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирининг ўринбосари, вазирлик мутахассислари, Ўзбекистон давлат филармонияси санъат усталари, Нукус ихтисослаштирилган маданият мактаби ёшлари, ҳарбийлар ва божхона ходимлари қатнашди.

Драма театрининг таниқли режиссёри Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист, марҳум Сарсенбай Узақбаев ва спектаклнинг иккинчи режиссёри Марҳабай Усенов томонидан саҳналаштирилган.

“Она” асарида эри уришда ҳалок бўлган, бутун умрини беш фарзандини тарбиялаб, қамол топтиришга бағишлаган бева аёл образи очиб берилган. Болаларнинг наватма-нават дунёдан ўтиши ночор она юракбағрини вайрон этади. Асарда онанинг болага бўлган меҳр-муҳаббати, урушга бўлган қаҳр-газаби, бардоши тўлақонли акс этган.

Янги асар

Болалардек кўринг дунёни



Бадий жиҳатдан юксак ва томошабоп театр асарлари даврлар чиғиригидан ўз аҳамиятини йўқотмай ўтиб, фаол ва қизиқувчан томошабинларини топиб қилади. Айниқса, профессионал театр саҳналарида улғайиб келаятган ёш авлод учун антиқа томошалар саҳналаштирилиши миллий санъатимизнинг улкан ютуғи, кутлуқ пойқадами бўлади.

Шу кунларда Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳар драма театрида болалар учун мўлжалланган янги саҳна асари – “Супер қуён” эртак комедияси жамоат кўригидан ўтди. Таниқли рус драматурги Иван Чернишев ижод маҳсули саналган пьеса (“Супер заяц”) асосида театрининг ёш режиссёри Ферузбек Абдурайимов спектаклда ўзига хос манتيқий изчиллик, ёрқин динамика ва бетакрор актёрлар ансамблини кўрсата олган.

Иван Чернишевининг мазкур асари бир қанча Россия театрларида саҳналаштирилган ва кўплаб эътирофларга сазовор бўлган. Унинг ўзбек миллий саҳнасида жонланиши жаҳон таърибисини ўрганиш ва юксак асарларни қайта кашф этиш борасида муҳим бир воқеа бўлди.

Спектаклда театрининг маҳоратли актёрлари – Қилич Ибрагимов ҳамда Гулнора Ризаева билан бирга ёш, театр саҳнасига эндигина қадам қўйган иқтидор эгаси, талаба Жавоҳир Ҳақимовнинг ёрқин ижроларини кўриш мумкин. Персонажлар характерининг кулгили яратилгани, актёрларнинг мунтазам томоша залидаги болалар билан жонли мулоқоти, спектакль воқеаларининг динамика ўсиши қизиқарли чиққан. Айниқса, бош қаҳрамон қуённинг серҳаракатлиги ва қувноқлиги, ақлли ва ижобий образ сифатида тасвирлангани томошаниннг ютуғи бўлган.

Саҳна асарининг бадий жиҳатдан юксак бўлиши ва томошабоп яралишида парда ортидаги жамоаниннг ҳам ҳиссаси катта. Декорацияда ўрмон манзаралари кўрсатилган. Бунда постановкачи-рассом Зокиржон Қобилов ҳамда декоратор Одилжон Қалонбоевлар ёрқин ранглардан фойдаланишган. Либослар бўйича Альфия Сомова, дизайнер Муқаддас Маҳмадалиева, пардозчи Замира Мамлеева, овоз режиссёри Камолиддин Холов ва бошқаларининг маҳорати тўғрисида томоша янада қизиқарли чиққан.

Шунингдек, спектаклда режиссёр маҳоратини ҳам кўриш мумкин. Яъни ҳар бир кўринишда саҳнада бир нур кўзга ташланади. Бу маълум бир рамз бўлиб, фарзандлар қурбон берилганини англатади. Яқунловчи бўлимда она ёниб турган чироққа қарайди ва яна нур пайдо бўлади. Бу эса урушга кетган фарзанди Тонининг ҳам ўлганидан дарак эди.

Спектаклда она ролини Ўзбекистон халқ артисти, Қорақалпоғистон ва Туркменистонда хизмат кўрсатган артист, «Меҳнат Шўҳрат» ордени совриндори Мирзагул Сапаева ҳамда Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Жумагул Сагиндиковалар маҳорат билан ижро қилишган. Яна драмада тажрибали актёрлардан Султан Оразимбетов (Иржи), Алишер Акимов (Пётр), Абат Аширов (Корнел), Руслан Қайипназаров ва Дастан Баймураевлар (Тони) ўз ролларини қойилмақом ижро этишган.

Айимхан АЛЛАНИЯЗОВА, театр ходими

Кичкинтойлар учун асар яратилганида ижодкорлар болалардек дунёни кўриши, улар каби беғубор муносабатларда бўлиши талаб этилади. Театрнинг ютуқларидан бири ҳам айнан мана шу, яъни асарни ёш режиссёр саҳналаштириганида. Чунки ёш ўртасидаги тафовут катта эмаслиги, ҳаётий қарашлар маҳоратни чарчлаган ва яхлит асарни дунёга келтирган.

Жамоатчилик кўригида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси театр арбоблари уюшмаси томонидан спектаклнинг айрим камчиликлари ҳам айтиб ўтилди ва тўғрилиниши таъкидланди. Жумладан, бош қаҳрамон қуён ролини ўйнаётган актёрга шимининг қора эмас, оқ рангда бўлиши, персонаж бошдан оёқ оппоқ кўринишда тасвирланиши, воқеалар ўртасида қуён қафаста тушгач, бўри ва тулки уни еб қўйишни режалаштириши пастроқ овозда – томоша залидаги болалар учун ўйин тарзида ишора орқали гапириши каби тақлифлар бўлиди. Томоша бошиданоқ қуён мард ва серҳаракат бўлади, бироқ барибир ўрмон йирткичларидан ҳадиксираб туриши, сўнг воқеалар давомида ўзининг тулки ва бўрига нисбатан ақлли ва уддабуронлигини англаб, характери ўсиб бориши кераклиги, премьерга қадр мана шу камчиликлар тўлдирилиши постановкачи режиссёрга тушунтирилди.

“Супер қуён” ўзбек болажонлари учун тарбиявий аҳамиятга эга томоша бўлган, қолаверса, асарнинг туб моҳиятида ҳам бўри ва тулкини тарбиялаш орқали ёш томошабинларга ҳар қандай қингириклар ва ёвузликларни яхшилик томон буриб, ҳатоларни ўз вақтида тўғрилаш орқали эзгуликка етиш мумкин, деган ғоя илгари сурилади.

Достонбек РАҲМАТУЛЛАЕВ
Театр арбоблари уюшмаси етакчи мутахассиси, ёш ижодкор

«Этти иқлимда машҳур»

Навоий қалбларда мангу барҳаёт



8 февраль куни Хоразм вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси Урганч шаҳар "Гулшан" маданият маркази билан ҳамкорликда ўзбек адабиёти асосчиси Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги муносабати билан "Кўёшга ўхшар Навоий бобом" мавзусида шеърят кечасини ўтказди.

Унда Кўзи ожизлар кутубхонаси ва "Гулшан" маданият маркази ходимлари Навоийнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида маълумотлар беришди.

Тўғрақ аъзолари ва фаол китобхонлар Навоий газаллари, рубойлари, асарларидан парчалар ва ҳикмат дурдоналаридан намуналар ўқиди. Шу билан бирга Навоий ижоди тадбир иштирокчилари томонидан ўрганилди. Кечада "Этти иқлимда машҳур" номи китоб кўرғазмаси ҳам ташкил қилинди.

С.МЎМИНОВ,
Хоразм вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси мутахассиси

«Шоирлик ва шоҳлик»

Уйғониш даврининг султони

Ўрта аср Шарқ маданияти, адабиёти ва шеърятда ўзига хос ўринга эга адиб, шоир, олим бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобур йирик давлат арбоби ва саркарда ҳамдир. У 1483 йилнинг 14 февралда Андижоннинг Фарғона улуси ҳоқими Умаршайх Мирзо оиласида дунёга келади.

Бобурнинг онаси — Кутлуг Нигорхоним Тошкент ҳоқими Юнусхоннинг қизи бўлган. Уқимишли ва оқила аёл кейинчалик ўғлига ҳокимиятни бошқариш ишларида фаол кўмаклашиб, ҳарбий юришларида унга ҳамроҳлик қилган.

Болалиги Андижонда ўтган Бобур барча темурий шахзодалар каби махсус тарбиячилар, йирик фозилу уламолар устозлигида ҳарбий таълим, араб ва форс тилларини ўрганади, кўплаб тарихий ва адабий асарлар мутолаа қилади, илм-фанга, шеърятга қизиқа бошлайди. Довжораклиги ва жасурилиги учун ёшлигиданок "Бобур" ("Шер") лақабини олади.



У турли фазилатлар билан безанган ва мактовли хислатларга эга шох эди. Барча фазилатларидан эса шижоат ва муруввати устун турарди. Туркий шеърни Навоийдан кейин ҳеч ким Бобур даражасида ёзган эмас.

Саховати ва мардлиги, истеъоди, илм-фан, санъатга муҳаббати ва улар билан муваффақиятли шугулланиши туғайли Осиёдаги подшоҳлар орасида Бобурга тенг келадигани топилмайди.

Ёш ўғил отаси йўлидан бориб, машҳур суфий — Хожа Ахрорга иҳлос қўяди ва унинг тариқати руҳида вояга етади, умрининг охирига қадар шу эътиқодга содиқ қолади. Кейинчалик, «Бобурнома» асарида Бобур Хожа Ахрор руҳи бир неча бор уни муқаррар ҳалокатдан, хасталик ва чорасизликдан қутқарганини, энг оғир шароитларда раҳнамолик қилганини таъкидлайди. Отаси Аҳсида бевақт, 39 ёшида фожиали ҳалок бўлгач, оиланинг катта фарзанди, 12 ёшли Бобур валиаҳд сифатида тахтга ўтиради.

Бобур 18-19 ёшларида рубойи ва газаллар ёза бошлаган. Унинг «Топмадим» газали ва «Ед этмас эмиш кишини ғурбатда киши» мисраси билан бошланувчи рубойиси ўша йиллардаги ҳаёти билан боғлиқ.

Шоирнинг улкан санъаткорлиги шундаки, шахсий кечинмаларини жиддий умумлашма даражасига кўтари олади. Натижада асарларида олға сурилган ғоялар умуминсоний кадриятлар поғонасига кўтарилади.

Бобур Мирзо ижодидида ишқ-муҳаббат, севи-садоқат, висол ва ҳижрон мавзиви ҳам салмоқли ўрин тутди. Унинг газал ва рубойларида маъшуканинг мафтункор гўзаллиги, беқийс хусну лафоти, шарқона одобу ахлоқи, нозу карашмаси энгил ва ўйноқи, мусиқий ва равон мисраларда катта маҳорат билан тараннум этилади.

Бир неча мuddат олдин подшоҳини Хумонга топширган Бобур 47 ёшида ўзи асос солган салтанат пойтахти Аграда оламдан ўтади ва ўша ерда дафн этилади. Кейинчалик васиятига кўра хоки Қобулга келтирилиб, ўзи бунёд эттирган «Боғи Бобур»га қўйилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач шох ва шоир Заҳириддин Бобур ўз юртида ҳақиқий қадр-қиммат топди. Андижон шаҳрида унинг номига берилган университет, театр, кутубхона, миллий боғ ("Боғи Бобур") бор. "Бобур" миллий боғи мажмуасида "Бобур ва жаҳон маданияти" музейи, шоирнинг рамзий қабр-мақбараси бунёд этилган. Шаҳар марказида ва Бобур боғидаги ёдгорлик мажмуида шоирга ҳайкал ўрнатилди. Андижондаги марказий кўчалардан бирига, шунингдек, Тошкентдаги истироҳат боғи ва кўчага, Андижон вилояти, Хонобод шаҳридаги истироҳат боғига ҳам Бобур номи берилди.

Бобур дилбар шахс эди. Уйғониш даврининг ажойиб султони, кучли, тадбиркор киши бўлиб, санъатни, адабиётни, гўзалликни севарди. У рубойий жарини турк адабиётида дунёга олиб чиққан шоирдир.

М.ЗОКИРОВА, Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи катта илмий ходими

«Талаб ва тақлиф»



Кутубхонага ташриф

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирининг буйруғига асосан Маданият муассасалари ва ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Ф.Жўраев 2021 йил 1 февралдан Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонаси директори лавозимига тайинланган.

9 февраль куни директор Ф.Жўраев республика миёда кўзи ожиз аҳолига ахборот-кутубхона хизматини юқори даражада кўрсатувчи янги ахборот марказлари ташкил этиш, ахборот-кутубхона фаолиятини такомиллаштириш бўйича изчил чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида Тошкент вилояти кўзи ожизлар кутубхонасига ташриф буюрди.

Бунда ҳудудда яшовчи кўзи ожиз китобхонларга қулай шарт-шароитлар яратиш, ахборот коммуникация технологияларига асосланган ҳолда фойдаланувчиларнинг ахборотга бўлган талабини қондириш, юқори ва сифатли ахборот кутубхона хизмати орқали билим олишлари учун имкониятлар тақдим этиш бўйича ҳар-жиҳатдан асосли тақ-

лифлар ишлаб чиқиш, кутубхонага аҳолини, айниса, ёшларни тизимли равишда кенг жалб этиш чораларини кўриш каби долзарб масалалар кўтарилди.

Шунингдек, кутубхона учун ажратилган бино ҳолати, унинг моддий техник базаси билан яқиндан танишилди. Ходимлар билан суҳбат асосида кўзи ожиз аҳолига кутубхона хизматларини кўрсатиш жараёнидаги муаммо ва камчиликлар ўрганилиб, уларни бартараф этиш чоралари ҳақида ҳам фикр юритилди.

Шунингдек, кутубхона учун ажратилган бино ҳолати, унинг моддий техник базаси билан яқиндан танишилди. Ходимлар билан суҳбат асосида кўзи ожиз аҳолига кутубхона хизматларини кўрсатиш жараёнидаги муаммо ва камчиликлар ўрганилиб, уларни бартараф этиш чоралари ҳақида ҳам фикр юритилди.

Шунингдек, кутубхона учун ажратилган бино ҳолати, унинг моддий техник базаси билан яқиндан танишилди. Ходимлар билан суҳбат асосида кўзи ожиз аҳолига кутубхона хизматларини кўрсатиш жараёнидаги муаммо ва камчиликлар ўрганилиб, уларни бартараф этиш чоралари ҳақида ҳам фикр юритилди.

«Отамерос хунармандчилиқ»

Темирни қизиғида босган темирчи

Воҳамизда хунармандчиликнинг кўплаб турлари ривожланган. Эътиборлиси, улар авлоддан-авлодга ўтиб, ривожланиб, такомиллашиб борган. Темирчилик, каштачилик, ёғоч ўймакорлиги билан шугулланиб, хунармандлар сулоласига асос солган юртдошларимиз талай.

Шахсан давлатимиз раҳбари эътибори туғайли хунарманд аҳлининг фаолият юритиши, солиқлар борасидаги энгилликлар ва маҳсулотларни сотишгача бўлган жараёндаги шароитлар соҳа ривожига муҳим омил бўлмоқда. Асосан қўл меҳнати билан тайёрланадиган маҳсулотлар ўзининг бежирим ва мукамаллиги, табиийлиги боис тез эътиборни тортади. Жиззах шаҳрининг Учариқ маҳалласида яшовчи темирчи Собир Хайдаров фаолияти ҳам бунга яққол мисол.

Эл орасида ҳалол меҳнати, баракали хунари билан ҳурмат топган уста хунарманд Собир аканинг ай-

тишича, бу касб унга ота мерос. Падари Қодир Хайдаров 12 ёшида амалии Маматқул бобога шогирдликка тушган ва умрининг охиригача темирчилик билан рўзгор тебратган.

— Мен ҳам 12-13 ёшимда, мактабдан келган заҳотим отамнинг темирчилик устaxonасига шошилар эдим, — дейди хунарманд Собир ака. Доим қизиқ ётадиган устaxonадаги иш жараёнини кузатиш мароқли эди. Мана шунга ҳам 38 йил бўлибди. Ҳозир фарзандларим ва жияним сулолаимиз ишини давом эттирмоқда.

Собир уста ясаган пичоқ, тақа, ўроқ, капкир, кетмон, қоziқ ва бошқа буюмлар ўзининг бежирим ва мустаҳкамлиги билан алақачон доимий мижозларини топган. Унинг темирчилик устaxonаси ҳам ўзига хос. Бу ерда бор жиҳозлар: ўчоқ, қура, супа, иш қуроллари эса сандон, болға, омбур, эгов, чархдан иборат. Хунарманднинг айтишича, бир аср муқаддам боболари қандай ишлаган бўлса, ўшандан буён авлодининг

темирчилик фаолиятида ҳеч қандай иш қуроли ўзгармаган.

— Кўпчилик мендан "Нега замонавий технологиялар, ишни энгиллаштирувчи дастгоҳлардан фойдаланмайсиз?" деб сўрашади, — дейди уста. — Буни ўзим ҳам кўп бора ўйлаб кўрганман. Аммо бизнинг ишимизда сира иложи йўқ экан. Биринчидан, темирнинг оловда тобланиб, маромига келганини, сандонда болға даммини еб кераклик шаклга кирганини, етарлиқ силлиқланганини кўзингиз кўриб, қўлингиз ҳис этмаса, буюмининг мустаҳкам бўлиши қийин. Иккинчидан, биз бир ёки бир неча турдаги, ўлчамдаги буюм билан чекланиб қолмаймиз. Бу ерда ҳар хил маҳсулот тайёрланади. Баъзи мижозлар ўзларига керак буюмининг чизмасини олиб келиб, айнан шунасини ясаб беришимизни илтимос қилишади. Чизмага қараб, буюртмани бажаришга тўғри келади. Буюмин ясалгач унга қараганча аждоғларим касбини давом эттираётганимдан, халқимизга хизмат қилаётганимдан фахрланиб кетаман. Дарҳақиқат, хунармандчиликнинг ривожланиш тамойили айнан унинг давомийлиги, авлоддан-авлодга сақланиб ўтишида. Маҳсулотларнинг асл қиймати нафақат сифатида, балки бадий жиҳатдан юксаклиги, табиийлиги ва миллий ўзаллигимиз, тарихий аъналаримизни ўзида уйғулаштириганидир.

Гулчехра ҲАҚНАЗАРОВА,
Жиззах вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи тарих бўлимининг илмий ходими



Навоийни ёд этиб...

Музейда эл суйган санъаткорлар



Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида жойларда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

5 февраль куни эса Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейида "Музейда эл суйган санъаткорлар" лойиҳаси доирасида буюк мутафаккир, ғазал мулкининг султони

Мир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги муносабати билан "Навоийни ёд этиб..." деб номланган тадбир ўтказилди. Унга эл суйган санъаткор, "Шухрат" медали соҳиби Шерали Раҳмонов ҳам тақдиф этилиб, ижодий учрашув ўтказилди. Тадбирга ФарДУ санъатшунослик факультети талабалари ҳам таширф бўюшди. Кечани музей директори Х.Зокиров очди. Шунингдек, "Шухрат" медали соҳиби, мақомчилик ансамбли раҳбари Ш.Раҳмонов ва

унинг шоғирдлари Навоий ғазалларидан куй-қўшиқлар ижро этишди. Тадбирда музей илмий ходимлари томонидан "Навоий асарларида тасаввуф ва ислом дини" мавзусида маъруза қилинди ҳамда Навоий ғазалларидан ўқиб эшиттирилди. Кеча фикр-мулоҳазаларга бой ҳамда кўтаринки руҳда ўтди.

Камрон САТТОРОВ,
Фарғона вилояти тарихи ва маданияти музейи катта илмий ходими

Аждодларимиз

"Бобурнома" хориж журналистлари талқинида

Аждодларимиз нақадар буюк тафаккур эгаси бўлганликларини уларнинг бизгача етиб келган асарлари орқали англаб етиш қийин эмас. Хар бир алломаимиз томонидан ёзиб қолдирилган маънавий мерос биз авлодлар учун чин маънодаги фахрдир.

Шоҳ ва шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобури ёдга олишимиз биланоқ, албатта, кўз олдимизга "Бобурнома" асари келади. Унинг қанчалар ноёб ва дурдона асар эканлигини хориж журналистлари берган юксак баҳолар орқали ҳам билиб олиш мумкин.

"Бобурнома"дан таъсирланган таниқли покистонлик журналист Аёз Амир "Биз қандай мусулмонлардан келиб чиққанмиз?" сарлавҳали мақола чоп этган. У "Би-би-си"нинг ўзбек хизматига берган суҳбатига эса шундай дейди:

"Албатта, Бобурийларни кўплаб покистонликлар билишади. Лекин биз Бобурийлар сўзидан фойдаланмай, асосан мўғуллар деймиз. Яъни Хиндистонда мўғуллар сулоласи ўрнатилгач, улар бутун ярим оролда айнан шу ном остида машҳур бўлишган. Мўғуллардан қолган меъморчилик, санъат ва маданиятнинг ёрқин намуналари нафақат Покистон, балки ҳозирги Хиндистонда ҳам кенг тарқалган. Деҳлига сафар қилсангиз, у ерда ҳам Бобур жуда машҳур".

"Биз "Бобурнома"дан нимани ўрганишимиз мумкин?"

"Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг XVI асрда яратилган асари – "Бобурнома"ни чуқур ўрганиб чиққан Аёз Амир ўз мақоласида бирор марта "мўғул" сўзини ишлатмаган. Бироқ шуни айтиш керакки, "Буюк мўғуллар" ибораси дунё тарихидаги янглиш иборалардан биридир. Ғарб тарихчилари Темурийлар авлодидан чиққан Бобур она томонидан Чингизхонга боғлангани туфайли "Мўғул империяси асосчиси" ёки Great Mughal деб таништирилганлар. Ушбу хато ибора Россияда "Великие монголы" деб ва кейинчалик Ўзбекистонда шўролар тарихшунослигида ҳам ишлатилган.

Покистонлик журналист эса ўз мақоласида фақат "Бобурийлар" ёки "Темурийлар" сўзларидан фойдаланган.

"Мен уларни бундай аташга "Бобурнома"ни ўқиб чиққач аҳд қилдим. Чунки улар ўзларини ҳеч қачон мўғул деб атамаган. Улар ўзларини Темурийлар дейишган. "Бобурнома"ни ёзганида, Бобур "Биз мўғуллар сулоласимиз" деб айтмаган. Аксинча, қачонки мўғуллар ҳақида сўзлаганида улар ҳақида танқидий ёзган. Бобур ўзи ҳақида гапирганида, "мўғул" сўзини умуман ишлатмаган. Бобурномани ўқиб чиққангизда, мени бу факт ҳайратда қолдирди. Гарчи бутун Хиндистон ва Покистон бўйлаб ў барпо этган салтанат Буюк мўғуллар сулоласи номи остида танилган бўлса-



Фарғона водийси шоирларини таърифлаганида, асарларига танқидий назар билан ёндашди. Масалан, "фалончи жуда яхши шоир, унинг шеър тузиш услублари сўйул", деб ёзди. Ёки Фарғона саройларида ижро этган хонандаларни тасниф этишга уринади. У хар томонлама мукамалликка эришган маориф эди. Шунингдек, жуда юқори маданиятли инсон бўлган. Бобур ҳаётдан кўз юмганида, бор-йўғи 46 ёшда эди. Яъни бу оламни эрта тарк этди. Бироқ унинг ҳаёти воқеа-ю ҳодисаларга жуда бой кечди! – Баъзи жангларда голиб чиққани, бошқа бирларида мағлуб бўлгани, амирликларни қўлдан бой бергани, салтанати барпо этиш билан бирга нафис санъатларга ҳам катта қизиқиш кўрсатган", деган фикрларни билдиради.

"Умуман Бобурийлар саройида зиёлилар катта ҳурматга сазовор бўлишган. Уша замонда илм ҳукмрон бўлган ва жуда кучли эди. Илмий изланшлар нафақат Марказий Осиё минтақасига тааллуқли бўлган, балки бутун исломий дунёда бундай интилишлар қадрланган ва юқори баҳоланган. Аббосийлар сулоласида ёки Умвайийлар ҳумронлигида илмга интилиш руҳи шу қадар кучли эдики, у замондаги Ислом билан ҳозиргисини қиёслаб бўлмайди. Ўтган асрларда илм-фан ёрдами билан Ислом тамаддуни, Ислом маданияти энг юқори чўққиларга эришди. Бугунги кунда эса, афсуски, жуда паст нуқталарга тушиб кетган, деб ўйлайман".

Бобур мақбраси, Боғи Бобур, Қобул, Афғонистон

"Биз яшаётган ерлар Бобурийлар салтанати даврида бир худуд, бир минтақа эди. Бу минтақада, албатта, ўзига хос миллий гуруҳлар билан бирга ягона маданият ҳукм сурган. Бизни диний ва маданий меросимиз бирлаштирган. Кейинчалик чегаралар пайдо бўлиб, миллатлар шаклланган. Хусусан, Афғонистонда инқироз рўёбга чиқши билан алоқаларимиз узилди. "Бобурнома"да Бухоро, Самарқанд, Фарғона водийси ва ҳозирги Покистон борасида ёзилган сатрларни ўқиб, ўтмишда мамлакатларимиз бири-бирига жуда яқин бўлгани, бир-бири билан зич боғлангани ҳақида тасаввур уйғонади. Ҳозирда эса бунинг аксини кўрапмиз", – дейди таниқли покистонлик журналист Аёз Амир.

Ушбу келтирилган фикрлар "Бобурнома" асарига берилган ижобий ва илиқ сўзларнинг айримлари ҳолос. Бобур меросини ўрганиш, у олиб борган ҳаётий фаолият билан танишиб чиқар эканмиз, ҳар биримиз ватани янада кўпроқ севиш, ота-она, юрт шаъни энг муҳим омиллардан эканини ҳис этиб яшашимиз тайин.

Махсураҳон ТОШБОЛАЕВА, Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи ходими

Конун ва ижро



Тарғибот ва ташвиқот

2021 йил 4 февраль куни Хоразм вилоят кўзи оғизлар кутубхонасида Ўзбекистон Республикасининг "Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида"ги Конунини ўрганиш ва тарғиб этиш мақсадида карантин қоидаларига амал қилган ҳолда давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Методика-библиография бўлими мудираси Конунни тўлалигича ўқиб эшиттирди. Вилоят кўзи оғизлар кутубхонаси директори З.Собиров ҳам сўзга чиқиб, конуннинг 8 боб, 53 моддадан иборатлиги, долзарб ва муҳимлиги ҳақида гапирди.

Кутубхона ишлари бўйича директор ўринбосари Р.Тожиёва эса шу мақсадда барча кўзи оғизлар кутубхоналарида тадбирлар ўтказиш ва уларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш, конунни чуқурроқ ўрганиб, уни тарғибот ва ташвиқот қилиш муҳимлигини таъкидлади.

Ёшлар билан ишлаш бўйича етакчи методист Ф.Саидназаровага сўз берилганида, Конуннинг моҳияти ва долзарблигини, ёшлар учун айнан шундай кучли ҳужжатлар хизмат қилишини айтди.

Шунингдек, йиғилганларга Конуннинг мазмун-моҳияти слайдлар орқали ҳам таништирилди.

Ў.ЮСУПОВА,

Хоразм вилоят кўзи оғизлар кутубхонаси методика-библиография бўлими мудираси

Бадий-муסיқий кеча

Ғазал мулкининг султони

Республика марказий кўзи оғизлар кутубхонаси ҳамда Олмазор туман ахборот-кутубхона маркази ҳамкорлигида Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги муносабати билан "Ғазал мулкининг султони", "Ёшлар ва китобхонлик" мавзусида бадий-муסיқий кеча ўтказилди. Тадбирга бир қанча ташкилотлардан меҳмонлар тақдиф этилди.

Унда болалар шоири Набижон Эрматов ҳамда ёзувчи Шукрулло Абдуллаевлар сўзга чиқиб, Ўзбек адабий тили асосчиси ўз асарларида хар бир сўзнинг мазмун-моҳиятига катта эътибор қаратгани, она тилимизни ҳамisha асраб-авайлаш лозимлиги ҳақида гапирди. Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари эса ўз чиқишлари билан тадбир иштирокчиларга кўтаринки кайфият улашди. Навоийнинг ғазал ва рубоийлари мактаб ўқувчилари томонидан эҳтирос билан айтилди, ғазаллари ёш хонандалар ижросида куйланди.

Йиғилганлар тадбир ташкилотчиларига ўз миннатдорчиликларини билдиришди.

Иктидорли ёшлар



"Эрталабдан салом" дастурида

Бугун маданият ва санъатга бўлган алоҳида эътибор туфайли ёшларимизда рақс санъатига қизиқиш янада кучайган. Жумладан, Гулистон шаҳар маданият бўлимининг "Дўстлик" маданият маркази қошидаги "Санамлар", "Камалак" халқ ҳаваскорлик рақс дасталари ҳамда "Севинч", "Осие" болалар рақс жамоалари ҳам шулар сирасидандир.

Яқинда мазкур жамоалар телеканалларимиз орқали жонли эфирга узатилган "Эрталабдан салом" дастурида иштирок этиб, юртдошларимизга кўтаринки кайфият улашишди.

➤ Еш авлод этиборда

Бухоро вилоят маданият бошқармаси бошлиғи Ю.Генжаев 4 февраль куни Олот туманидаги 15-болалар мусиқа ва санъат мактабининг таълим жараёни ва ўқувчилар билан танишди.

Раҳбар мусиқа мактабидаги анъанавий ижро, рубоб, гижжак, дамла ва зарбли чолғулар, анъанавий хонадалик, мусиқа назарияси, тасвирий санъат ва ўймакорлик сингари бир қатор синфлар билан танишиб, дарс жараёнларида бевосита иштирок этди.

– Ўқувчиларнинг ижодий ёндашувини қучайтириш, садоқатни, меҳр-оқибатни, оила муқаддас эканини ўргатиш керак, – дейди бошқарма бошлиғи Ю.Генжаев. – Вақтида халқнинг санъатга бўлган негатив фикрини ўзгартира олдик, ҳозирги замонда санъаткорнинг оиласи мустаҳкам, тинч. Ватанига, оиласига бўлган меҳри шу санъат туфайли, деб кўрқмасдан айта оламиз. Ҳар бир инсон ўз олдига мақсад қўйиши керак, кўпроқ мутлоаб билан шуғулланиши – Алишер Навоий, Абдулла

Кодирий, Абдулла Қаҳҳорларнинг асарларини ўқш ҳамда болаларимизга мотивация бериш, ватанини, ота-онани, оилани, маҳаллани севишни ўргатиш зарур. Ўз ўрнида Ю.Генжаев ўқитувчилар ва ўқувчиларга омад тилаб, мактаб маъмуриятидан мамнун эканлигини билдирди. Кейин Олот тумани марказидаги истироҳат боғини ҳам кўздан кечириб, амалга оширилган ишлар билан танишди.

Бухоро вилояти маданият бошқармаси матбуот хизмати



➤ Маданий фаолият



Жондор туманига ташриф

Жорий йилнинг 3 февраль куни маданият бошқармаси бошлиғи Ю.Генжаев Жондор туманида бўлиб, маданият бўлими фаолияти билан яқиндан танишди.

Ўрганиш жараёнида туман маданият бўлимининг концерт залини кўздан кечириб, у ерда юзага келган камчиликларни бартараф этиш, зални кино ва театр томошасига тайёрлаш, пардозлаш ишларини амалга ошириш тўғрисида тегишли кўрсатма ва топшириқлар берди.

Шундан сўнг бошқарма бошлиғи тўғрақ синфлари ва марказдаги мақом ансамбли фаолияти билан ҳам танишди.

➤ Ҳажвия

Иш билганга бир, ишини билганга минг танга

“Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади” деган нақлда жон бор экан. Киши ҳар қандай синовга шай туриши, бошига тушган ташвишдан ҳам унумли ва керак бўлса, фойда билан чиқиб кетишни билиши керак. Буни тадбиркорлик деса ҳам бўлади. Ҳа, уни дорихоначиларимиз қотиради. Айниқса “мавсумида” дорига қўйган нархи устига ўзлари ҳам “чиқиб ётиб олишини” кўриб, “ҳе, сенинг тадбиркорлигингга...” деб “мақтоворинг” келади!

Дард устига чипқондек келган “вируслар қироли” дастидан бошида кўпчилик касод бўлди, лекин сал ўтмай ошиғи олчи бўлиб “ишбилармон”га айланаб кетди. “Қандай?” – деб пешанангизни тириштирманг. Шунчаки, ишониб қўяверинг!

Одам боласига ҳайронсан-да! Ўзи яратган нарсига ўзи қўл бўлиб яшаса-я! Энг ачинарлиси, ўлиб кетгунингача қўйиб-пишади. Бир-бирини алдаши-ю, “чув” тушириб, маза қилишини гапирмаса ҳам бўлади. Маслаҳатим, бугун бировга душманлик қилиб ўтирманг. Шунчаки тегинманг, тамом, чунки унга ўзи билан ўзи олишини ҳам етарли...

“Падарлаънати” вирус кириб келган илк кунда никоҳ қидириб, бир дорихонага кирдим дент. Бир машина чиқади дорилар, кўкатлари ўтлар ичида “арзиманг” никоҳ топилмаганига ҳайрон қолдим. Сотувчи опамиз “ярим соатда келади, лекин нархи “биро-оз” кўтарилганини ҳам айтиб, мендан “суюнчи” олгандек бўлади. 500 сўмлик никоҳ 5000 сўмга ошганини эшитиб,

➤ Танлов

Назм ва наво

4 февраль куни Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтида “Вокал ва чолғу ижрочилиги педагоглари тайёрлаш” кафедраси томонидан буюк бобокалонларимиз Алишер Навоий таваллудининг 580 ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 538 йиллигига бағишланган “Назм ва наво” кечаси ўтказилди.

Шунингдек, институт талабалари ўртасида “Маънавият ва маърифат” ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими ташаббусига кўра, ифодали ўқиш танловининг голибларини аниқлаш ҳамда тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди.



➤ Инсон ва қонун

Жавоҳирнинг тадбиркорлик билан шуғулланаётганига кўп бўлмаса-да, Худо етказди деб билган бизнес ҳамкори Жасурбек билан ишлари анча-мунча юришиб қолди. Озроқ сармоя йиғиб, чет элдан харидоригар маҳсулотлар келтира бошлади. Қараса, олиб келган моллари тез-тез сотилапти. Жасурнинг қўли-қўлига тегмаёпти. “Энди кўрқмай маҳсулотларни кўпроқ обектаверсам бўларкан!” Иштаҳалари очилиб, Жасурнинг дўконини қиммат-қиммат молларга тўлдириб ташлади у. Аммо ҳар ишда меъёр бўлиши кераклигини ўйлаб ҳам ўтирмади. “Қанча кўп бўлса, шунча яхши-да... Тўғри, кўпдан кўп қолади” дейишди-ку...

Фирибгарлик

Лекин бозор ўз номи билан бозор, унда ўзига ўхшаган тадбиркорлар ҳам бор. Унинг оғайниси касодга учрадимиз ёки рақобатчилар кўпайиб қолдимиз, ишқилиб, Жавоҳир (исмлар ўзгартирилган) пулларини кутавериб чарчади. Шу тариқа Жасур ҳамкорига 44минг АКШ долларлик қарзини беролмай юраверди. Вақт ўтиб борар, хавотир исканжаси уни ҳеч тинч қўймасди. “Пул пулни топади” дея доим қайтаридиган Жавоҳирнинг сабри тутаб танишларидан бирига “ерилди”.

– Ҳеч қарзини берай демайди шу оғайним, – деди у Фозилга. – Пулларимни ололсам, оверган одамни рози қилардим...

– Йе, 44минг кўки озгина пулмас-ку. Акамнинг бир таниши бор “Исинида ишлайман” деб гердайиб юрадиган. Шунга айтиб кўрсинми, ё? – Қани эди-я??? Айтганини берардим шу одамга...

Начора “чиқаси кеган молга эгаси сабаб” деган гап бор ахир. Фозил айтган таниши Тошмурод ҳар қандай фирибгарни йўлда қолдирадиган устаси фаранглардан экан. У ростан ҳам “МХХ ходими” эканига Жавоҳирни бир зумда ишонтирди-қўйди: “Хўп, хўжайин, шу ишни тўғрилашга ёрдам берасиз-а, mening яхши танишларим эди-да... Бўлди, бўлди айтганингиздек бўлади”.

Орада Жасурни қақриб, пўписа қилиб қўйишни ҳам ўринлади: “Жавоҳир мендан фалон минг қарз. Шунини бериши керак. Бўлмаса, иккалангни ҳам қаматаман!”



Буни эшитиб турган Жавоҳир гўё эртагаёқ пуллари қўлига тегадигандек қувониб кетди... Шундай қилиб, ишни бошлаш учун 5минг кўки керак бўлишини айтиб, Фозилдан бериб юборишини тайинлади. Хамирдан қил суғургандек осонгина ундирилган пул энди Тошмуроднинг ҳам иштаҳасини қарнай қилди. Шундан кейин яна беш, ундан 20 минг... Аввалига телефон рақамларигача бериб ишонтирган “МХХ ходими” шундан кейин тўсатдан телефонларини ўчириб, йўқолди-қолди. Яхшиямки, ўртада уни топиб берган ака-ука Алиевлар бор: амаллаб топишди. Эмишки, орада ишлари кўпайиб кетиб, хабарлашолмай қолди. Пулларнинг 23 минггича қарзга олганини писанда қилиб, қайтариб беришини айтиди у. Эҳ, соддагина одамлар, у

панжараларга чап бериши қийин бўлади, бу аниқ. Қонун барчага баробар. Қонунсиз, хат-хужжатсиз қилинган ишнинг охири уйи, унинг турган-битгани ташвишдир. Шунини унутмангларгина ҳар қандай ҳолатда нохуш вазиятлардан холи, кўнгли ҳам хотиржам бўлади.

Тошмуродга ўхшаган фирибгарлар, жиноятчилар эса ҳеч қачон жазодан қутулиб қолмайди. Хуллас, кўнглида ўзганининг молини осонгина ўзлаштиришдек номақбул ишга мойиллиги борлар, яхшиси, фурсат ганимат – бу йўлдан қайтганлари маъқул. Ахир, инсоннинг ҳар қадаминга жавоб бериш қисмати бизга ота мерос. Буни унутмайлик...

Даврон МАҲКАМОВ,
Шайхонтоҳур тумани,
катта терговчи

МАДАНИЯТ ОБУНА ИНДЕКСИ: 285

МУАССИС:
«Dildosh media» МЧЖ,
ҳамкор:
Ўзбекистон
Республикаси
Маданият вазирлиги

Бош муҳаррир
Дилбаҳор Худойбердиева

Тахририят манзили:
100029, Тошкент шаҳри, Тарас
Шевченко кўчаси, 1.
Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан
10.04.2018 й. 0803 рақами
билан давлат
рўйхатидан ўтказилган.

Тахририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри тахририят фикридан фарқлиниши мумкин. «Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Нашр учун масъул: Ш.Исроилова
Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева
Навбатчи: Н. Содикова
Адади - 6638 Буюртма - Г - 217
Сотувда келишилган нархда
Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоқ

Газета “Шарқ” нашриёт-
матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида
чоп этилди.

Қорхона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41.
Босмахонага топшириш
вақти - 23.00
Топширилди - 22.30
1 2 3 4 5 6